

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХОЛИКОВА НОЗИМА НЕМАТИЛЛОЕВНА

**ТАРЖИМАДА ИЖОДКОР УСЛУБИНИ ҚАЙТА ЯРАТИШ
МАҲОРАТИ (Ж. Ҳ. ЧЕЙЗ АСАРЛАРИ ТАРЖИМАСИ МИСОЛИДА)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва
таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2020

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**The contents of the dissertation abstract for a Doctor of Philosophy (PhD) in
Philological Sciences**

Холикова Нозима Нематиллоевна

Таржимада иждокор услубини қайта яратиш маҳорати (Ж. Ҳ. Чейз асарлари таржимаси мисолида).....5

Холикова Нозима Нематиллоевна

Мастерство воссоздания стиля писателя в переводе (на примере переводов произведений Дж. Х. Чейза).....23

Kholikova Nozima Nematilloeyvna

The Skill of Recreating the Author's Style in Translation (in the example of J.H.Chase's translated works).....45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of publications.....49

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХОЛИКОВА НОЗИМА НЕМАТИЛЛОЕВНА

ТАРЖИМАДА ИЖОДКОР УСЛУБИНИ ҚАЙТА ЯРАТИШ
МАҲОРАТИ (Ж. Ҳ. ЧЕЙЗ АСАРЛАРИ ТАРЖИМАСИ МИСОЛИДА)

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.3.PhD/Fil611 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Бухоро давлат университети веб саҳифасида (www.buxdu.uz) ҳамда «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Қувватова Дилрабо Ҳабибовна
филология фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Ходжаева Дилафрўз Изатиллоевна
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Хайруллаев Хуршид Зайниевич
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.Fil.72.03 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «15» сентябр соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (0 365) 221-29-14; факс: (0 365) 221-57-27; e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz)

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (47 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (0 365) 221-25-87.)

Диссертация автореферати 2020 йил «29» декабрь куни тарқатилди.
(2020 йил «29» декабрь даги 995 - рақамли реестр баённомаси.)



[Handwritten signature in blue ink]

Д.С.Ўраева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол. ф. д., профессор

З.И.Расулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол. ф. н., доцент

М.М.Жўраева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д. (DSc)

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослиги ва таржимашунослигида таржима асарларини қиёсий аспектда текшириш, услубнинг қайта яратилишига муносабат билдириш, миллий менталитетга хос хусусиятларни очиб бериш, уларда кечган трансформацион жараёнларга илмий баҳо бериш йўналишидаги илмий-назарий қарашларни умумлаштириш масаласига алоҳида диққат қаратилмоқда. Шу асосда насрий асар таржимасига хос жиҳатлар, бадиий таржима усуллари, аслият ва таржима муносабати, грамматик ва стилистик трансформациялар ҳақида қатор илмий тадқиқотлар юзага келишига имкон яратилди. Айни вақтда детектив асар таржимаси, унда ижодкор услубини қайта яратиш муаммолари, таржимада маданиятлааро тафовутларнинг ифодаланишини яхлит ҳолда текшириш, муайян ижодкор асарларини таржимашунослик ва бадиият қонуниятлари асосида ўрганиш юзасидан амалга оширилаётган тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Дунё адабиётшунослигида услубшунослик муаммолари, унда ижодкор услуби ва индивидуаллиги, бадиий тил, таржиманинг лисоний услубий хусусиятлари, лексик, грамматик трансформацияларни ўрганиш бўйича изланишлар олиб борилмоқда. Жумладан, детектив асар услуби, унинг таржимада тикланиши, детектив асарда универсал реалиялар, детектив-криминал сўзларнинг характер яратиш, бадиий-фалсафий мазмунни ифода этишдаги вазифалари, Шарқ менталитети ва Ғарб дунёқарашидаги муштарак ҳамда тафовутли жиҳатлар ифодаси сингари масалаларга алоҳида диққат қаратилмоқда.

«Бугунги кунда «Адабий дўстлик – абадий дўстлик» деган чуқур маъноли тамойилга амал қилган ҳолда, жаҳон адабиётининг дурдона асарларини ўзбек тилига таржима қилиш ва нашр этиш масаласига ғоят жиддий эътибор қаратмоқдамиз. Юртимизда дунё адабиётининг бебаҳо мулки бўлган минг-минглаб асарлар таржима қилиниб, китобхонлар қалбидан жой олгани, бадиий таржима ва таржимашунослик бўйича ўзига хос ижодий мактаб шаклланишини алоҳида таъкидлаш лозим»¹. Жумладан, замонавий инглиз ёзувчилари асарлари миллий таржимонлар томонидан ўзбек тилига ўгирилиши натижасида, таржимашунослик мактаби янги йўналишда ривож топмоқда. Шу жиҳатдан инглиз детектив ёзувчиси Жеймс Хедли Чейз асарларининг ўзбек тилидаги таржимасини қиёсий ўрганиш, ижодкор услубининг таржимада қайта яратилишини текшириш юзасидан илмий тадқиқотларни янада чуқурлаштириш зарурати мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича «Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача

¹Мирзиёев Ш. М. “Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари” мавзусидаги халқаро конференция материаллари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – Б. 56.

ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармонлари, 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875-сон «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 майдаги 376-сон «Жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини ўзбек тилига ҳамда ўзбек адабиёти дурдоналарини чет тилларига таржима қилиш ва нашр этиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон адабиётшунослигида иждоқкор услуби масаласи Л.Хуанг, Н.Э.Эркинвист, Ж.Боас Биер, М.Шорт, М.Лич², ва Н.Тамарченко, В.Тюпа, С.Бройтман, В.Шкловский, В.Жирмунский, Ю.Лотман, В.Хализев³ сингари олимларнинг тадқиқотларида текширилган. Шу билан бирга Ж.Камол, Ў.Носиров, А.Расулов, М.Пирназарова, Д.Тажибаева⁴ каби ўзбек олимларининг диссертация, китоб ва мақолаларида маълум бир давр адабиётидаги услубий изланишлар ва муайян иждоқкор услубига хос хусусиятлар очиқ берилган.

Бадиий таржимага хос хусусиятлар, янгиланиш ва ўзгаришлар инглиз таржимашунослигида П.Ньюмарк, М.Бейкер, Т.Херман, М.Жеремей, Т.Паркс, Д.Шен, Ж.Винай, Ж.Дарбелнет, М.Винтерс, Г.Салданха⁵ тадқиқотларида ўз аксини топган. Рус тилшунослиги ва таржимашунослигида Б.Ш.Баймусаева,

²Huang L. Style in translation. A Corpus-based perspective. – China, 2006. – P. 212.; Leech G., Short M. Style in fiction: A linguistic introduction to English fictional prose. – London: Longman, 2006. – P. 405.; Enkvist N. E. On defining style: An essay in applied linguistics. – London: Oxford University Press, 1996. – P. 115.; Boase-Beier J. Stylistic approaches to translation. –Manchester: St. Jerome, 2006. – P. 158.

³Тамарченко Н., Тюпа В., Бройтман С. Теория литературы в 2-х томах. Том 1. – Москва: Академия, 2004. – С. 444-456.; Шкловский В. Избранные работы в 3-х томах. – Москва: Художественная литература, 1986. – 396 с.; Жирмунский В. Теория литературы. Поэтика. Стилистика. – Ленинград: Наука, 1977. – С. 400., Лотман Ю. Анализ поэтического текста. Структура стиха. –Москва: Сов. писатель, 1972. – С. 400.; Хализев В. Теория литературы. – Москва: Высшая школа, 2006. – С. 200.

⁴Носиров Ў. Иждоқкор шахс, бадиий услуб, автор образи. –Тошкент: Фан, 1981. – 200 б.; Носиров Ў. Образларда услуб жилолари. –Тошкент: Фан, 1991. – 196 б.; Расулов А. Услуб – истеъдод портрети. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2013. –244 б.; Пирназарова М.М. Ҳозирги ўзбек романларида услубий изланишлар: Филол. фан. номз. дисс. –Тошкент, 2006. –Б. 161.; Тажибаева Д.Э. XX аср сўнги чораги ўзбек шеъриятида поэтик услуб муаммолари: Филол. фан. бўйича фал. док. (PhD) дисс. –Фарғона, 2018. –140 б.

⁵Newmark P. Approaches to translation. –Oxford: Pergamon Press, 1981, –P. 201.; Baker M. Toward a methodology for investigating the style of a literary translator. –London: Target 12 (2), 2000. –P. 241- 266.; Hermans Th. The translator's voice in translated narrative. –London: Target 8(1), 23–48p.; Munday J. Style and ideology in translation: Latin American writing in English. –London: Routledge, 2007. –P. 245.; Parks T. Translating style: The English modernists and their Italian translations. –Manchester: St Jerome, 2007. –P. 300.; Vinay J., Jean D. Comparative stylistics of French and English. A methodology for translation. –Amsterdam: John Benjamins, 1995. – P. 280.; Winters M. Modal particles explained: How modal particles creep into translations and reveal Translators' styles. – USA: Target 21(1), 2009. – P. 74–97.; Saldanha G. Translator style: Methodological considerations. – London: The Translator, 2011. – P. 25–50.; Holmes D. I. The analysis of literary style – A review. – London: Journal of the Royal Statistical Society, 1985. – P. 328–341.

Л.А.Тер-Саркисян, Н.П. Чепель, А.Попович, Ф.Гутингер, Л.С.Бархударов, В.Гумбольдт, Г.Н.Поспелов, Г.Гачечиладзе, И.А.Кашкин, Я.И.Рецкер, Л.К.Латишев, В.А.Илин, А.В.Фёдоров, В.С.Виноградов⁶ каби олимларнинг ишларида таржима назарияси масалалари қаторида услубни қайта яратиш муаммоларига ҳам эътибор қаратилган. Ўзбек адабиётшунослиги ва таржимашунослигида Ғ.Саломов, Н.Комилов, И.Ғафуров, О.Мўминов, Н.Қамбаров, М.Бақоева, М.Жўраева, Ҳ.Юсупова, Р.Касимова, Н.Қосимова⁷ каби олимларнинг ишларида ўрганилган.

Детектив асар тадқиқига бағишланган ишлар жаҳон адабиётшунослигида М.Данте, В.Дин⁸, Н.Кириленко, Т.Амирян, С.Бавин, В.Макдермид, Д.Клугер, Д.Николаев, Б.Райнов⁹ ва ўзбек адабиётида Б.А.Холиков, Ш.Сулаймонов¹⁰ каби тадқиқотчиларнинг илмий кузатишлари мавжуд. Ҳозирга қадар детектив асар таржимасида услубни қайта яратиш муаммоси етарлича ёритилмаган.

⁶Баймусаева, Б. Ш. Проблема воссоздания стиля оригинала (на материале переводов произведений О. Бокеева, О. Сарсенбаева, С. Елубаева на русский язык). Док. дисс. филол. наук, 2004. – С.168.; Тер-Саркисян Л. А. Армянский исторический роман в русских переводах. Проблема воссоздания стиля. Док. дисс. филол. наук, 2004. – С.168.; Чепель Н.П. Приемы воссоздания национально-исторического колорита оригинала в переводе (на материале перевода романа А.Н.Толстого «Петр первый» на английский язык). – Волгогр.: Сер. 2, Языкозн, 2010. – С. 84-93.; Попович А. Проблемы художественного перевода. – М., 1980. – С. 99.; Гутингер Ф. Язык перевода. Мастерство перевода. – М., 1970. – С. 4.; Бархударов Л.С. Язык и перевод (Вопросы общей и частной теории перевода). – М.:Международные отношения, 1975. – С.67.; Гумбольдт В. Язык и философия культуры. –М., 1985. –С. 373.; Послеслов Г.Н. Проблемы литературного стиля. – М., 1970. – С.7.; Гачечиладзе Г. Г. Художественный перевод и литературные взаимосвязи. –М.:Советский писатель, 1980. – С. 83.; Кашкин И.А. Ложный принцип и неприемлемые результаты. // Иностранные языки в школе. №2. – М., 1952. – С. 22–41.; Рецкер Я.И. Теория перевода и переводческая практика. – М., 1974. – С. 93.; Латишев Л.К. Проблемы эквивалентности в переводе. – М.: Международные отношения, 1983. – 280с.; Ильин Б.А., Строй современного английского языка. – Москва, Издательство Просвещение, 1965, – 206с.; Фёдоров А.В. Основы общей теории перевода. – М.: Филология три, 2002. –416с.; Бархударов Л.С. Язык и перевод. – М.:Высшая школа, 1978. – 160с.; Виноградов В.С. Введение в переводоведение. – М.: Изд инст. общ.ср. обр., 2001. – 224с.

⁷Саломов Ғ. Таржима назарияси асослари. – Тошкент, 1983. – Б. 231.; Комилов Н., Қаххаров Т. Ижод елканини баланд кўтариб. // Таржима санъати (мақолалар тўплами). 4-китоб. – Тошкент, 1978. – Б. 159.; Ғофуров И., Мўминов О., Қамбаров Н. Таржима назарияси. –Т.:Тафаккур бўстони, 2012. –216 б.; Бақоева М.Қ. Инглиз тилидан ўзбек тилига шеърӣ таржималарнинг айрим масалалари. – Т.:Фан, 1994. – Б. 49.; Юсупова Ҳ.Ў. Ўзбек халқ оғзаки насри намуналарининг инглизча таржималарида миллий колоритнинг ифодаланиши (эртақлар, латифалар мисолида) Фил.фан.номз. дисс.. автореф. – Т.: 2011. – 60 б.; Касимова Р. Ўзбек тўй ва мотам мароси фольклори матнларининг инглизча таржимасида этнографизмларнинг берилиши. Филол.фан. фалс.докт....дисс. – Т., 2018. – 169 б.; Қосимова Н.Ф. Лисоний белги ассиметрияси ва унинг сўроқ гап таржимасида воқеланиши. Филол.фан.фалс.докт....дисс. – Т., 2018. –164 б.

⁸Dante M. Introduction to the analysis of crime fiction. – London: a user-friendly guide, 2011. –Р. 298.; Van D. S.S. Twenty rules for writing detective stories (1928) by. – USA, 2013. – Р. 220.

⁹Кириленко Наталья “Детектив” в критике науке и паранауке (обзор основных тенденций) Вестник РГГУ. СЕРИЯ: Литературоведение, Языкознание, Культурология. – Москва, 2017. – С. 117.; Амирян Т.Н. Они написали заговор. Конспирологический детектив от Дэна Брауна до Юлии Кристевой. – М.:Фаланстер, 2013. –352с.; Бавин С. Зарубежный детектив XX века (в русских переводах): Популярная библиографическая энциклопедия. – М.: Книжная палата, 2015. – Б. 123.; Макдермид В. Анатомия преступления: Что могут рассказать насекомые, отпечатки пальцев и ДНК. – М.: Альпина Нон-фикшн, 2016. – 344с.; Клугер Д. Баскервильская мистерия. История классического детектива. – М.: Текст, 2005. – 472с.; Николаев Д.Д. Детектив, литературная энциклопедия терминов и понятий. – М.: Институт научной информации по общественным наукам РАН Интелвак, 2001. – С. 221–223.

¹⁰Холиков Б.А. Детектив романларда воқеликнинг бадий талқинини тизимли моделлаштириш. фал.фан. Докт (PhD) дисс.. автореф. – Т., 2018. – 95 б.; Шодмон Сулаймон. Ўзбек детектив насри генезиси ва табиати 100102 Ҳозирги миллий адабиёт. Фил.фан.номз. дисс.. автореф. – Т., 2002. – 95 б.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Бухоро давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган «Тилнинг лексик-семантик тизими, қиёсий-типологик изланишлар ва адабиётшунослик муаммолари» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади замонавий инглиз детектив ёзувчиси Жеймс Хедли Чейз асарларининг ўзбек тилига таржимасида ижодкор услубини қайта яратиш тамойилларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

«ижодкор услубини қайта яратиш» ҳодисаси моҳиятини очиб бериш;

Ж.Х. Чейзнинг детектив ижодга кириб келишидаги ижтимоий омилларни, адиб асарларининг ғоявий-бадий мундарижасини ёритиш;

бевосита ва билвосита таржимага хос жиҳатларни, детектив асарда умуминсоний хусусиятларнинг ифодаланишини асослаш;

таржимада маданиятлараро тафовутларни очиб бериш; унда бадий деталнинг вазифалари, услуб билан боғлиқлигини текшириш;

аслият ва таржимада детектив сўзларнинг бадий вазифаларини аниқлаш, лексик ва грамматик трансформация усулларини ёритиш;

детектив-криминал сўзларнинг инглизча-русча-ўзбекча луғатини яратиш мақсадида таржимада лексикографик муаммоларни белгилаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида инглиз детектив ёзувчиси Ж.Х. Чейзнинг «Гонгконгдан келган тобут», «Сейфдаги пуллар», «Қузғун – сабрли куш» асарларининг аслияти ва ўзбекча таржималари танланган.

Тадқиқотнинг предмети инглиз детектив ёзувчиси Ж.Х. Чейзнинг «Гонгконгдан келган тобут», «Сейфдаги пуллар», «Қузғун – сабрли куш» каби асарлар аслияти ва ўзбекча таржималарида ижодкор услубининг қайта яратилиши ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда трансформацион, қиёсий-чоғиштирма, контекстуал-ситуатив, контекстуал-дистрибутив, таснифлаш, дискурсив, қиёсий-типологик, лингвистик, аналитик, дескриптив ва компонент таҳлил каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

Ж.Х. Чейз адабий ижодида детектив асар яратишининг бадий-тарихий, ғоявий-ижтимоий омиллари оила муҳити, АҚШдаги «Буюк Депрессия» давридаги ўзгаришлар, Иккинчи жаҳон уруши воқелиги билан боғлиқлиги аниқланган ва мазкур омиллар муаллиф ижод услубида жиноятнинг ўғрилиқ, талончилик, қотиллик, оилавий хиёнат, инсон шаънини камситувчи тўхмат каби турларининг устуворлигини белгилаганлиги аниқланган;

шарқ ва ғарб миллий-маданий, ментал воқелиги уйғунлигини таъминлашда ҳар бир миллатга хос бўлган ачиниш, қасам ичиш, ҳайратланиш, сўкиниш ва лаънатлаш ҳолатларини ифода этувчи сўзлар таржимасида эвфемизация (юмшатиш), айнан таржима, тушириб қолдириш,

нейтрализация ва дисфемизация (кўполлаштириш) стратегияларининг бирламчи қиймат касб этиши исботланган;

детектив асар мазмунининг жиноятларни фош қилиш мақсадига қаратилганлиги; қахрамоннинг ташқи кўриниши, характери, ички дунёси, руҳияти бадиий деталь орқали очиб берилганлиги; ижодкор услубини қайта яратиш жараёнида баён воситаларининг сақланганлиги; муаллиф ва мутаржим овозининг яхлитлиги, унда умуминсоний жиҳатларнинг устуворлик қилиши қабилар далилланган;

детектив йўналишига хос бўлган детектив-криминал сўзлар, этнографик реалиялар, турмуш универсалиялари таржимасида компенсация, тушириб қолдириш, лексик-семантик алмаштириш каби *лексик*; тўлиқ мувофиқлик, қисман мувофиқлик ва номувофиқлик каби *морфологик*; ўрин алмашиш, кўшиш, тушириб қолдириш каби *синтактик* трансформация усулларининг функционаллик самарадорлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бевосита ва билвосита таржимада аслият тили мансуб халқнинг ментал жиҳатлари, урф-одат ва анъаналари таржима тили мансуб халқ билан мувофиқлик, номувофиқлик ҳолатлари белгиланган; лексик воситаларни ўгиришда эквивалентлик ва адекватлик тамойилларининг ўрни илмий баҳоланган;

таржимада лексик (лексик-семантик алмаштириш, тушириб қолдириш, кўшиш) ва грамматик трансформациялар (тўлиқ ва нотўлиқ; предлог ва кўмакчи, предлог ва кўшма феъл, предлог ва от) ифодаси мисоллар орқали далилланган;

таржимада лексикографик муаммоларни ҳал қилишнинг амалий ечим сифатида таржима илмининг эквивалентлик ва адекватлик тамойиллари асосида детектив-криминал сўзларнинг инглизча-русча-ўзбекча луғати яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ кўйилганлиги, олимларнинг назарий фикрларига таянилганлиги, тадқиқотда замонавий таржимашунослик ютуқларидан келиб чиққан ҳолда чиқарилган хулосаларнинг трансформацион, қиёсий-чоғиштира, контекстуал-ситуатив, контекстуал-дистрибутив, таснифлаш, дискурсив, қиёсий-типологик, лингвистик, аналитик, дескриптив ва компонент таҳлил усуллари орқали далилланганлиги билан белгиланади; назарий фикр ва натижаларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган хулосаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бадиий таржимада ижодкор услубини қайта яратиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда, замонавий инглиз детектив насрига хос хусусият ва етакчи тамойилларни ўрганиш билан алоқадор тадқиқотларда мазкур иш муайян даражада илмий манба бўлиб хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий таълим муассасаларининг инглиз филологияси, хорижий тил ва адабиёти факультетларида «Англия адабиёти», «Жаҳон адабиёти тарихи», «Таржима назарияси», «Стилистика», «Адабиётшунослик назарияси» фанларидан дарслик, ўқув қўлланмалар яратишда, инглизча-русча-ўзбекча детектив-криминал сўзлар луғатини тузишда, изоҳли луғатларни такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Диссертацияда таржимада ижодкор услубини қайта яратиш бўйича олинган натижалар асосида:

ўзбек ва инглиз адабиётининг ноанъанавий йўналиши – детективнинг мифологик асослари, таржимада ижодкор услубини қайта яратиш, ушбу асарларнинг бадиий тафаккур тараққиётида тутган ўрни билан боғлиқ илмий хулосалардан Ф1-ХТ-0-19919А-1-118 «Ўзбек мифологияси ва унинг тафаккур тараққиётида тутган ўрни» мавзусидаги фундаментал лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 15 июндаги 89-03-2485 сонли маълумотномаси). Натижада детектив асарда тасвирланган воқелик, унда яратилган образлар генезисининг мифология билан боғлиқлиги, бу йўналишдаги асарларнинг назарий асослари бойитилишига эришилган;

таржимонларнинг нутқ маданиятини ривожлантириш, лингвомаданий алоқаларни адекват тарзда ўрнатиш, таржима жараёнининг тўлақонлилигини таъминлашга доир хулосалардан Америка Қўшма Штатларидаги «АЛТА» тил хизматлари компаниясида амалиётга жорий этилган (Америка Қўшма Штатлари Жоржиа штатидаги АЛТА тил хизматлари бош компаниясининг 2019 йил 5 декабрдаги I-3278-сонли маълумотномаси). Натижада ҳамроҳ-таржимонларнинг чет эл сайёҳларига тарихий материаллар мазмунини тўғри етказиб бериш билан боғлиқ фаолиятини самарали ташкил этишига эришилган;

ўзбек ва инглиз детектив жанрининг ўзаро ўхшашлиги ва фарқлари, таржима жараёнида шу каби тафовутларнинг берилиши, машҳур инглиз детектив ёзувчиси Жеймс Хедли Чейз асарлари ва унинг таржималарига доир услубийлик, фикрнинг қандай мақсадга йўналтирилганлиги билан боғлиқ хулосалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телерадиоканалида «Бедорлик», «Адабий жараён», «Таълим ва тараққиёт» эшиттиришларни тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий Телерадиокомпаниясининг 2019 йил 29 майдаги 1-96 сонли маълумотномаси). Натижада телекомпания ижодий жамоасининг таржима муаммолари, услуб, трансформация, детектив жанрга доир фикрлаши, тил воситаларини танлашда услубийликни таъминлаш, билдириладиган фикрни телетомошабинларга мантиқий етказиши учун замин яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация иши натижалари 13 та, жумладан, 3 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза кўринишида баён этилган ва апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, 1 та монография, 1 та луғат, 1 та электрон луғат, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 6 та республика ва 3 та хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 160 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Кириш**» қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, предмети ва объекти аниқланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланиб, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси кўрсатилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Ж.Х. Чейз асарлари ўзбекча таржимасида ижодкор услубини қайта яратиш тамойиллари**» деб номланган ва уч фаслни ўз ичига олади. Бобнинг «Услубни қайта яратишнинг назарий асослари» тарзида сарлавҳаланган биринчи фаслида инглиз, рус ва ўзбек адабиётидаги услуб қайта яратилишига доир хусусиятлар умумлаштирилган.

«Услубни қайта яратиш» таржимашуносликдаги термин бўлиб, рус тилида «воссоздание стиля», инглиз тилида «recreating style» дейилади. Жаҳон таржимашунослигида бу йўналишда қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Жумладан, инглиз таржимашунослигида М.Бейкер, Т.Херман, Ж.Боес Биер, Н.Е.Енквист, Г.Лееч, М.Шорт, М.Жеремй, Т.Паркс, Д.Шен, Ж.Винай, Ж.Дарбелнет, М.Винтерс, Г.Салданха ва Д.И. Холмс¹¹ тадқиқотлари бу жиҳатдан аҳамиятли.

Рус тилшунослиги ва таржимашунослигида Б.Ш. Баймусаева, Л.А. Тер-Саркисян, Н.П. Чепель, А.Попович, Ф.Гутингер, Л.С. Бархударов,

¹¹Baker M. Toward a methodology for investigating the style of a literary translator. – USA:Target 12 (2), 2000. – P. 241- 266.; Hermans Th. The translator’s voice in translated narrative. – USA: Target 8(1), 23–48p.; Boase-Beier J. Stylistic approaches to translation. – Manchester: St. Jerome, 2006. – P. 158.; Enkvist N. E. On defining style: An essay in applied linguistics. In Linguistics and style. – London: Oxford University Press, 1996. – P. 115.; Leech G., Mick Sh. Style in fiction: A linguistic introduction to English fictional prose. – London: Longman, 2006. – P. 405.; Munday Parks T. Translating style: The English modernists and their Italian translations. – Manchester: St Jerome, 2007. – P. 300.; Vinay J., Jean D. Comparative stylistics of French and English. A methodology for translation. Trans. and eds. J.C. Sager and M.-J. Hamel. – Amsterdam: John Benjamins, 1995. – P. 280.; Winters M. Modal particles explained: How modal particles creep into translations and reveal Translators’ styles. – USA:Target 21(1), 2009. – P. 74–97.; Saldanha G. Translator style: Methodological considerations. – USA:The Translator 17(1), 2011. – P. 25–50.; Holmes D. I. The analysis of literary style. – USA: A review. Journal of the Royal Statistical Society, 1985. – P. 328–341.

В.Гумбольдт, Г.Н. Пospelов, Г.Гачечиладзе, И.А. Кашкин, Я.И. Рецкер¹² каби олимларнинг ишларида таржима назарияси масалалари қаторида услубни қайта яратиш муаммоларига ҳам эътибор қаратилган.

Ўзбек таржимашунослигида Ғ.Саломов, Н.Комилов, Р.Ширинова, Дж.Буранов, Н.Низамиддинова, Я.Эгамова, Н.Досбаева, Қ.Мусаев, М.Бақоева, М.Жўраева, Ҳ.Юсупова, Р.Касимова, Н.Қосимова¹³ каби олимларнинг ишларида илмий кузатишлар мавжуд.

Бинобарин, «Таржима – аслиятни қайта яратиш, қайта талқин этиш санъатидир»¹⁴. Хитойлик олим Либо Хуанг фикрлари ҳам буни тасдиқлаб туради: «Муаллиф услуби таржимада муқаддас деб ҳисобланади»¹⁵. Демак, аслият моҳиятини таржима орқали айнан етказиш шу жиҳатдан мутаржим олдига катта масъулият юклайди.

«Аслини олганда эса, энг яхши таржимон услуби деб аслият услубини сақлай ола билганликка айтилади»¹⁶.

Услубни қайта яратиш билан боғлиқ юқоридаги назарий қарашларга асосланиб, қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Таржимада услубни қайта яратишнинг асосий вазифаларидан бири – ижодкорнинг баён этиш воситаларини сақлашдир;

2. Таржимада муаллиф ва мутаржим овози бирлашади;

3. Бадиий таржимада ижодкор ва мутаржим маънавий-руҳий жиҳатдан бир-бирига мос бўлиши асосий талабдир;

¹²Баймусаева, Б. Ш. Проблема воссоздания стиля оригинала (на материале переводов произведений О. Бокеева, О. Сарсенбаева, С. Елубаева на русский язык). Док.дисс.филол.наук, – М., 2004. – С.168.; Тер-Саркисян Л. А. Армянский исторический роман в русских переводах. Проблема воссоздания стиля. Док.дисс.филол.наук, – М., 2004. – С.168.; Чепель Н.П. Приемы воссоздания национально-исторического колорита оригинала в переводе (на материале перевода романа А.Н. Толстого «Петр первый» на английский язык) – Волгогр., 2010. – С. 84-93.; Попович А. Проблемы художественного перевода. – М., 1980. – С. 99.; Гюттингер. Ф. Язык перевода. Мастерство перевода. –М., 1970. –С. 4.; Бархударов Л.С. Язык и перевод (Вопросы общей и частной теории перевода). – М.: Международные отношения, 1975. –С.67.; Гумбольдт В. Язык и философия культуры. – М., 1985. – С.373.; Послеслов Г.Н. Проблемы литературного стиля. –М., 1970. – С.7.; Гачечиладзе Г.Г. Художественный перевод и литературные взаимосвязи. –М.:Советский писатель, 1980. –С. 83.; Кашкин И.А. Ложный принцип и неприемлемые результаты. // Иностранные языки в школе. №2. – М., 1952. – С. 22–41.; Рецкер Я.И. Теория перевода и переводческая практика. –М., 1974. –С.93.; Huang Libo. Style in translation. A Corpus-based perspective. – China, 2015. – P. 212.

¹³Саломов Ғ. Таржима назариясига кириш. – Т., 1978. – Б.5.; Ширинова Р. Олам миллий манзарасининг бадиий таржимада қайта яратилиши. филол.фан.докт(Dsc) дисс... автореф. – Т.: 2017. – 95 б.; Буранов Дж. Б. Сравнительная типология английского и тюркских языков. – М.:Высшая школа, 1983. – 266 с.; Низамиддинова Н. Бадиий таржимада муаллиф услубининг ўзига хослигини сақлаш. //Хорижий филология. – Самарқанд, 2013. – Б.103.; Эгамова Я. Асл нусхадаги қахрамонлар образини бадиий таржимада қайта яратиш масалалари. филол.фан.ном.дисс. – Т., 1974. – 95 б.; Досбаева Н.Т. Бевосита таржимада бадиий услубни қайта тиклаш (Америка ҳикоялари таржимаси мисолида). филол.фан.номз...дис.автореф. – Т., 2004. – 90 б.; Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. – Т., 2005. – Б. 102.; Бақоева М.Қ. Инглиз тилидан ўзбек тилига шеърини таржималарнинг айрим масалалари. – Т.:Фан, 1994. – Б. 49.; Юсупова Ҳ.Ў. Ўзбек халқ оғзаки насри намуналарининг инглизча таржималарида миллий колоритнинг ифодаланиши (эртаклар, латифалар мисолида). фил.фан.номз...дисс.. автореф. – Т., 2011. – 60 б.; Касимова Р. Ўзбек тўй ва мотам мароси фольклори матнларининг инглизча таржимасида этнографизмларнинг берилиши. филол.фан ном...дисс. – Т., 2018. – 169 б.; Қосимова Н.Ф. Лисоний белги ассиметрияси ва унинг сўроқ гап таржимасида воқеланиши. филол.фан ном...дисс. – Т., 2018. – 164 б.

¹⁴Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. – Тошкент.: Фан нашриёти, 2005. – Б. 90.

¹⁵Huang L. Style in translation. A Corpus-based perspective. – China, 2015. – P. 212.

¹⁶Лилова А. Введение в общую теорию перевода. – М.: Высшая школа, 1985. – С. 55.

4. Ижодкор ва таржимоннинг объекти битта – бадиий матндир. Ундаги эмоционал-экспрессив бўёқдорликнинг намоён бўлиши услубнинг қайта яратилишидаги маҳоратга боғлиқ;

5. Маълумки, детектив асарлар бир миллат доирасидан чиқиб, бир неча халқлар хусусиятларини ўзида ифода этади. Уларда умуминсоний жиҳатлар устуворлик қилади. Шу боис бундай йўналишдаги асарларда интернационал реалиялар қўлланилади. Улар эса таржимага муҳтож эмас, ҳаммага бир тушунарли бўлади;

6. Детектив асар матнида эса миллий ўзига хос сўзлар катта миқдорга эга эмас. Фақат детектив-криминал сўзлар орасида бошқа тилларда эквиваленти бўлган, миллий сўзлар борки, шулар орқали детектив содир бўлаётган жой ва халқ ҳақида маълумотга эга бўлиш мумкин;

7. Лексик-фразеологик воситалар асарнинг миллий хусусиятини намоён этиб туради. Шунинг учун таржимада аслиятдаги мазмунни сақлаш, ёки уларнинг эквивалентларини бериш керак бўлади;

8. Асар тилида қўлланган бир қатор лексик birlikлар, иборалар, мақолларнинг берилишида икки хил ҳолат кузатилади: 1) таржима тилидаги эквивалентлар билан бериш; 2) бундай birlikларнинг мазмунини бериш. Шу орқали аслият мазмунини ифодалашга эришиш мумкин бўлади;

9. Бадиий асарда ифода этилган миллий колорит, халқнинг яшаш тарзи, турмуш маданияти унда тилга олинган таомларда ҳам кузатилади. Таржимада ўша миллатгагина хос бўлган таомларни ҳеч қандай ўзгаришсиз бериш керак бўлади. Чунки бундай birlikлар миллий ўзига хос сўзлар, яъни реалиялардир;

10. Детектив асарлар характеридан келиб чиқиб айтиш мумкинки, уларда миллий-маданий жиҳатлардан кўра умуммаданий, умуминсоний жиҳатлар акс этади. Шу боис бундай асарларда услубни қайта яратиш бошқа йўналишдаги асарларга қараганда енгилроқ кечади.

Бобнинг иккинчи фасли «Детектив асарларнинг услубий ўзига хосликлари» деб номланган бўлиб, Жаҳон адабиётида детектив йўналиш ўзининг бир неча асрлик тараққиёт тамойилларига эга. Бу йўналишда М.Данте, В.Дин¹⁷ сингари инглиз, Н.Кириленко, Т.Н. Амирян, С.Бавин, В.Макдермид, Д.Клугер, Д.Д. Николаев, Б.Райнов¹⁸ каби рус, Б.А. Холиков, Ш.Сулаймонов¹⁹ каби ўзбек олимлари тадқиқотларида муҳим кузатишлар мавжуд.

¹⁷Dante M. Introduction to the analysis of crime fiction. – USA: a user-friendly guide, 2011. – P. 298.; Van Dine S.S. Twenty rules for writing detective stories by. Gaslight.mtroyal.ca. – London, 2013. – P. 170.

¹⁸Кириленко Н. Детектив в критике науке и паранауке (обзор основных тенденций) Вестник РГГУ. СЕРИЯ: Литературоведение, Языкознание, Культурология. – М., 2017. – С. 221.; Амирян Т. Н. Они написали заговор. Конспирологический детектив от Дэна Брауна до Юлии Кристевой. – М.: Фаланстер, 2013. – 352 с.; Бавин С. Зарубежный детектив XX века (в русских переводах): Популярная библиографическая энциклопедия. – М.: Книжная палата, Вэл М. Анатомия преступления. Val Mcdermid: “Forensics: The Anatomy of Crime”. – М.: Альпина Нон-фикшн, 2016. – 344 с.; Клугер Д. Баскервильская мистерия. История классического детектива. – М.: Текст, 2005. – С. 221.; Николаев Д. Д. Детектив // Литературная энциклопедия терминов и понятий / Николокин А. Н. – Институт научной информации по общественным наукам РАН Интелвак, 2001. – С. 221–223.; Райнов Б. Чёрный роман. – М.: Прогресс, 1975. – С. 121.

¹⁹Milda D. Introduction to the analysis of crime fiction. – USA: a user-friendly guide, 2011. – P. 298.

Рус адабиётшунос олими В.Макдермид фикрига кўра, детектив йўналишнинг жанр сифатида шаклланишига далилларга асосланган жинойт жараёнлар сабаб бўлган²⁰ деб таъриф беради.

Детектив адабиёт – жинойтларни очиш, турли муаммоларни ҳал қилиш жараёни тасвирланган ҳикоя, қисса, романлардир. Адабиётшуносликда «детектив» термини жинойт билан боғлиқ воқеликларни тасвир этувчи асарларга нисбатан ишлатилади. Данте Милда фикрича, детективнинг термин сифатидаги кенг маъноси жинойт билан боғлиқ асарларни ўз ичига олади ва ундаги воқеалар жинойтнинг ечимига қаратилади²¹.

Ван Диннинг «Детектив қиссаларни ёзишнинг йигирма қоидаси», Данте Милда эса «детектив романларнинг 8 та асосий қоидаси» ҳақида фикр юритган.

Биобарин, Ж.Ҳ. Чейз асарларида жинойтни фош этишнинг²² қуйидаги кўринишлари ифода этилган:

1. Ўғрилиқ ва талончилик жинойти фош этилган асарлар («Кузгун сабрли қуш», «Сейфдаги пуллар»);

2. Қотиллик жинойтини фош этувчи асарлар («Гонгонгдан келган тобут», «Бу гулчамбар сизники, жоним», «Нега мен?»);

3. Оилавий хиёнатлар фош этилган асарлар («Сохта фаришта»);

4. Инсонлик шаънини камситувчи тухматларни фош этувчи асарлар («Сирли хоним», «Ўғри»);

5. Сирли жинойтларни фош этувчи асарлар («Қопқон», «Данғиллама ҳовлидаги ўлим»);

6. Таъмагирлик ва порахўрлик жинойтини фош этувчи асарлар («Ярим миллион долларлик қилмиш»).

Ж.Ҳ. Чейз детектив асарларидаги асосий қаҳрамонлар қуйидагилар: а) ҳақиқатга ёки мижозга содиқ бўлган – детектив; б) қаҳрамонни жинойтга олиб борувчи, детективнинг ишқий саргузаштига сабаб бўлувчи ва баъзи ҳолларда асосий жунойтчи ҳисобланган – *жозибатор аёл*; д) детективдан ёрдам сўраб борувчи ёки жинойтни очиш учун уни йўлловчи – *мижоз*; е) асосий қотилликлар, жинойтларни содир этувчи, муғомбир – *жинойтчи*. Айрим детектив асарларда эса кўшимча қаҳрамонлар ҳам бўлади. Улар детективнинг дўсти, жинойтчининг дўсти, адолатли полиция ходими ёки аксинча, баъзи ҳолларда эса асарда қаҳрамоннинг ўзи норасмий детектив бўлади (Чейзнинг «Сейфдаги пуллар» асаридаги Чет образи ҳақида шундай дейиш мумкин). Аммо юқорида айтиб ўтилган тўртта қаҳрамон деярли барча детектив асарларда учраши анъанавийлик ҳисобланади.

Бобнинг учинчи фасли «Ж.Ҳ. Чейз ижоди ва адиб асарларининг ўзбек тилидаги бевосита, билвосита таржималари» тарзидан номланган бўлиб, унда жаҳон адабиётида детектив йўналишнинг тараққиётида замонавий инглиз ёзувчиси, «детектив асарлар қироли» деб ном қозонган Рене Лож Брабазон

²⁰Вэл Макдермид. Анатомия преступления. Val Mcdermid: Forensics: The Anatomy of Crime. – М.: Альпина Нон-фикшн, 2016. – 344 р.

²¹Dante M. Introduction to the analysis of crime fiction. –USA: a user-friendly guide, 2011. – P. 298.

²²Шодмонов С. Ўзбек детектив насли генезиси ва табиати. Фил.фан.номз. Дисс.. автореф. – Т., 2002. – 60 б.

Раймонднинг алоҳида ўрни бор. Жеймс Хедли Чейз – ёзувчининг адабий таҳаллуси. Унинг 90 дан ортиқ детектив асарлари жаҳон адабиётида шу йўналишнинг барқарор бўлишида мустаҳкам ўрин эгаллади. Адиб асарлари бугунги кунда 10 дан ортиқ дунё тилларига таржима қилинган. Жумладан, у Европа, Африка ва АҚШда машҳур бўлган, барча асарлари рус тилига ўтирилган. Ўзбекистонда адиб асарларига қизиқиш мустақиллик йилларида бошланди ва таржимага киришилди. Ж.Х. Чейз асарлари таржимонлар Фатхулла Намозов бевосита ва Тўлқин Алимов билвосита таржима қилинган. Эндиликда ўзбек китобхони адибни «Сейфдаги пуллар», «Гонконгдан келган тобут», «Бу гулчамбар сизники, хоним!», «Нега мен?!», «Сохта фаришта», «Қузғун – сабрли қуш», «Сирли хоним», «Қойилмақом ҳимоя», «Ўғри», «Ярим миллион долларлик қилмиш», «Қопқон» ва «Данғиллама ҳовлидаги ўлим» асарлари орқали яқиндан танимоқда.

Демак, Ж.Х. Чейзнинг бу йўналишга кириб келиши, шу йўналишда ҳикоя, қисса, романлар ёзиши у туғилиб ўсган муҳит ва яшаган шароит билан чамбарчас боғлиқ.

Биринчидан, бўлажак адибнинг отаси ҳарбий жарроҳ бўлган. Шу боис ўғлини Қироллар мактабида ўқитган. Аммо у ҳарбий соҳага қизиқади ва урушда иштирок этади. Болалик йилларидаги мана шу жиҳат уни бадиий ижодга қизиқтирди.

Иккинчидан, у ўсмирлик даврида китоб савдоси билан шуғулланди ва бу жараёнда ўзи ҳам бадиий китоблар ўқишга қизиқди.

Учинчидан, ўша даврдаги ижтимоий-сиёсий муҳит ва шароит ҳам бўлажак адибнинг атрофида бўлаётган воқеаларни чуқур идрок этишига йўл очди. Хусусан, АҚШда «Буюк Депрессия» давридаги ўзгаришлар ҳам унинг дунёқарашига таъсир ўтказди. Шу билан бирга II жаҳон уруши давомида Ж.Х. Чейзнинг Қироллик ҳаво кучларида хизмат қилиши, у ерда «Сквардон бошлиғи» ҳарбий унвонига эга бўлиши унинг детектив ҳаётга қизиқишида муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

Демак, Ж.Х. Чейз асарларида жиноятларнинг бир неча кўринишларини фош этиш устувор хусусият касб этган. Хусусан, ўғрилиқ, талончилик, қотиллик, оилавий хиёнатлар, инсон шаънини камситувчи тухматлар каби жиноятларни очиб этиш орқали адиб инсонийлик жамиятининг ғоятда ачинарли ва жирканч манзарасини очиб беради. Шу жиҳатдан ёзувчи асарлари тарбия қуроли вазифасини ўтайди, инсонни жиноятлар кўчасига кириб қолмасликка чақиради.

Тадқиқотнинг иккинчи боби **«Таржимада маданиятлараро тафовутларнинг ифодаланиши»** деб номланган ва уч фаслни ўз ичига олади. «Бадиий таржимада миллийлаштириш ва универсал реалияларнинг детектив асардаги вазифалари» тарзида сарлавҳаланган биринчи фаслда Ж.Х. Чейз асарлари таржимаси мисолида инглиз менталитетига хос жиҳатларнинг ўзбек тилида қайта ифодаланиши билан боғлиқ хусусиятлар ёритилган. Миллий менталитет – бадиий асарнинг типик хос хусусиятларини асар тили орқали намоён этилишидир. У, асосан, муайян халқнинг турмуш тарзини ифода қилувчи характерларда ўз аксини топади ва шу билан бирга маданиятлараро тафовутларни ҳам келтириб чиқаради.

Таржимада бадий асар услубини сақлашга ҳаракат қилган ҳар бир таржимон оригинал асардаги миллийликни англаувчи сўзлар билан доимий тўқнаш келади. Бу борада эса реалиялар асар миллий хусусиятларини ифодаловчи асосий белгидир. Реалиялар инглиз, рус ва ўзбек таржимашунослигида у ёки бу даражада ўрганилган. Жумладан, О.Ненси, Ҳ.Феиз, Р.Жеани, Б.Раинхерт²³ каби инглиз, Г.Д.Томахин, А.П.Бабушкин, Л.В.Мосиенко, М.Н.Есакова сингари рус²⁴, Ҳ.Хамроев, И.Мирзаев, Р.Касимова²⁵ каби ўзбек олимларининг тадқиқотларида ўз ифодасини топган.

Шундай сўзлар борки, улар бир тилнинг маҳсули бўлса-да, вақт ўтган сари истемол доираси кенгайиб, халқаро сўзларга айлана боради. Бундай сўзлар барчага бирдек тушунарли бўлгани учун ҳам бадий асарда ҳеч қандай изоҳсиз қўлланилиши ҳамда муаллиф ғоявий ниятини юзага чиқаришда восита бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бундай сўзлар умуминсоний моҳият касб этгани учун *универсал реалиялар* термини остида бирлашади. Адиб асарларидан қўлланган мил, жунгли, виски, коллекция, сендвич, гамбургер, пирог, креветка сингари универсалиялар аниқланиб, бадий парчалар мисолида уларнинг таржимада берилиши ва маънолари очиқ берилган. Қолаверса, Ж.Ҳ. Чейз услубида пичинггамо шакллар, муболағалар ёки метафоралар деярли учрамайди. Ёзувчи асарларида Европа ва Америка маданиятини намоён қилувчи ижобий жиҳатлар кўриниб туради.

Мазкур бобнинг иккинчи фасли Ж.Ҳ. Чейз асарлари таржимасида Шарқ менталитети ва Ғарб дунёқарашидаги муштарак ҳамда тафовутли жиҳатлар ифодаси хусусида фикр юритилган. Шарқ ва ғарб дунёқарашидаги боғлиқ ва фарқли жиҳатлар А.Овен, А.Кунст, Р.Клеменц²⁶ сингари инглиз, В.М.Жирмунский, Н.И.Конрад, Е.В.Мареева, Е.М.Мелетинский²⁷ каби рус, Ф.Сулаймонова, Ж.Шарипов²⁸ сингари ўзбек олимлари ишларида акс этган.

«Кузғун – сабрли куш» романида Шарқ менталитети ва ғарб дунёқараши акс этган лавҳалар бор: «Do you know how he got that? Ken asked grinning. I'll

²³Olson N. Cataloging Three-Dimensional Artefacts and Realia. *Cataloging and Classification Quarterly*. – USA, 2001. – P. 139-150.; Hektoen, H.F., Jeanne R., Rinehart B. *Toys to go: A Guide to the use of Realia in Public Libraries*. – Chicago: American Library Association, 1975. – P. 180.

²⁴Томахин Г.Д. Реалии – американизмы. – М.: Высшая школа, 1988. – С. 170.; Бабушкин А. П. Перевод реалий в свете проблем когнитивной семантики. // Проблемы культурной адаптации текста. – Воронеж, 1999. – С. 11- 13.; Мосиенко Л. В. Лингвокультурологическая проблема классификации реалий // Вестник ОГУ. 11. 2005. – С. 155-161.; Есакова М.Н. Ситуативные реалии как переводческая проблема (на материале текстов произведений М.Булгакова и их переводов на французский язык). Автореф.дис... канд.филол.наук. – М., 2001. – С. 24.

²⁵Хамроев Ҳ. Миллий сўзлар-реалиялар ва бадий таржима маданияти. – Т., 1982. – Б. 157-163.; Мирзаев И.К. Проблемы передачи слов, обозначающих реалии французской жизни, на узбекский язык. Автореф.дис...канд.филол.наук. – Ленинград, 1975. – С. 22.; Касимова Р. Ўзбек тўй ва мотам мароси фольклори матнларининг инглизча таржимасида этнографизмларнинг берилиши. Филол.фан ном.дисс. – Т., 2018. – 169 б.

²⁶Owen A. *The reemergence of world literature*. – USA, 1884. – P. 312.; Arthur K. *Literature of Asia. Comparative literature method and perspective*. – Southern Illinois, 1971. – P. 140.; Robert K. *Comparative literature as a discipline*. –New York, 1978. – P. 220.

²⁷Жирмунский В.М., *Избранные труды. Сравнительное литературоведение. Восток и Запад*. – Ленинград: Наука, 1979. – 495 с.; Конрад Н.И. *Запад и Восток. Статьи*. – М.: Наука, 1966. – 520 с.; Мареева Е.В. *Культурология. Теория и история культуры: учеб. пособие*. – М.: Экзамен, 2008. – 414 с.; Мелетинский Е.М. *Проблемы сравнительного изучения средневековой литературы*. –М.: Наука, 1979. – 200 с.;

²⁸Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. – Т.: Ўзбекистон, 1997, – Б. 83–160.; Шарипов Ж. *Ўзбекистонда таржима тарихидан*. – Т.: Ўзбекистон, 1997, – Б. 23-34.

tell you. When the waterbruck arrived at the Ark, he rushed up to Noah and said, Mr Noah, please where is the nearest toilet? Noah said, You'll have to wait. All the toilets have just been to painted. The waterbuck said, I can't wait.» It's had that ring ever since»²⁹ эпизод билвосита таржимада куйидагича берилган: «Унинг териси нега бунақа гўзал? –деб сўради Кен. Буни сизга мен айтиб беришим мумкин. Антилопа оламини сув босганида Нух пайғамбарнинг кемасига чиқиб олди-ю, шу заҳоти пайғамбарга: Жаноб Нух, айтиб беролмайсизми, ҳозир қайси кийимни кийиш ҳаммага расм бўлган? – деб мурожаат қилибди. Нух пайғамбар: –Буни билгинг келса, озгина сабр қил, ҳамма кийимларни қайтиб бўйямиз», дебди. Антилопа: Буни кутишга менинг вақтим йўқ! Ҳозирок буни бўяб қўя қоламан! – деб жавоб берибди, ана шунда терисини бўяб олибди, у ҳалигача уни эгнидан ечмас экан» [3.95]. Юқоридаги афсона халқ оғзаки ижодидан олинган ва асарда қолипловчилик вазифасини бажарган. Унда Шарқ ва Ғарб дунёқараши уйғун ҳолда берилган. Рабғузийнинг «Қисаси Рабғузий» асарида Нух пайғамбар қиссаси берилган. Унда Нух пайғамбар ер юзида ҳаётни сақлаб қолиш учун кема ясади, унга ҳар бир жонзотни ўз жуфти билан йиғиши сюжетга асос қилиб олинган. Бу ҳикоянинг асарда келтирилиши Ж.Ҳ. Чейзнинг Шарқ адабиётини ҳам яхши билишини кўрсатади. Фақат унда Нух кемасидаги Антилопа билан боғлиқ воқеага урғу берилган. Антилопа кемада ўзини ўзи бўйяди ва турли товланадиган ранг пайдо бўлади. Шундан бошлаб унинг ранги ҳар хил тусда кўзга ташланади. Бунда Антилопа Шарқдаги оҳуга мос келади. Оҳунинг териси ҳам, эътибор берилса, оч ва тўқ рангларда товланади. Демак, бунда Шарқ ва Ғарб воқелиги уйғунлашган.

Детектив йўналишдаги бадиий асарларнинг кўпчилигида вазиятнинг кескин тус олиши, жиноят билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар жараёни персонажлар нутқида ўз аксини топади. Ҳар бир миллатга хос бўлган ачиниш, қасам ичиш, ҳайратланиш, сўқиниш ва лаънатлаш ҳолатларини ифода этувчи сўзлар қаҳрамон руҳиятини очиб беришга хизмат қилади. Ж.Ҳ.Чейз асарлари қаҳрамонлари нутқида хос бўлган яна бир жиҳат сўқинч ва беҳаё сўзларининг жиноятчилар нутқида тез-тез қўлланилишида кўзга ташланади. Адиб асарлари таржимасида сўқинч сўзлар 4 хил йўл билан берилган: 1) эвфемизация; 2) айнан таржима; 3) тушириб қолдириш; 4) дисфемизация.

Мазкур бобнинг сўнгги фаслида муаллиф услубини етказиб беришда бадиий деталнинг ўрни ҳақида фикр юритилган. Детектив йўналишдаги асарларнинг ўзига хослиги шундаки, уларда қаҳрамон характерида хос жиҳатлар бадиий деталь орқали ойдинлашади. Портрет ҳам бадиий деталь унсурларидан биридир. Адабиётшунос Д.Қуроновиқнинг ёзишича, бадиий деталь «асарда муайян мазмун ифодлаловчи, ғоявий бадиий юк ташувчи тафсилот... Деталь ортида маълум бир реалия мавжуд: маиший турмуш ёки жой тафсилотлари, портрет чизгилари ва ҳ.к.»³⁰ Деталнинг адабиётшуносликдаги ўзига хослиги, портретлардаги роли ва аҳамияти

²⁹Chase J.H. The vulture is a patient bird. Royallib.ru. – Гранада, 1964. – Р. 56.

³⁰Қуроновиқ Д., Мамажонов З. Ва бошқалар. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент, 2010. – Б. 89.

юзасидан жаҳон ва рус адабиётшунослиги Р.Нордквист, Ж.Месчерй³¹, Э.Добин, В.Набоков³², ўзбек адабиётшунослигида Б.Саримсоқов, Т.Бобоев³³ сингари олимларнинг илмий кузатишлари мавжуд. Ж.Х. Чейз услубининг ўзига хослиги шундаки, у ҳар бир қаҳрамонининг портретини яратишга ҳаракат қилади. У ҳам тафсилотларни, ҳам қаҳрамон ташқи кўринишидаги муҳим чизгилар – деталларни беради. Натижада воқеликни реал ифодалашга эришади.

Диссертациянинг учинчи боби «**Аслият ва таржима бадиий тили**» тарзида номланган ва икки фаслни ўз ичига олади. Дастлабки фаслда детектив-криминал сўзларнинг характер яратиш, бадиий-фалсафий мазмунни ифода этишдаги вазифалари ёритилган. Маълумки, детектив асарлар бадиий тилига хос муҳим хусусият детектив-криминал сўзларнинг қўлланилишидир. Бундай сўзлар, одатда, муаллиф ва персонаж нутқида ишлатилади. Бинобарин, Ж.Х. Чейзнинг «Кузгун – сабрли қуш» романида воқеалар муаллиф нутқи орқали, «Гонгконгдан келган тобут», «Сейфдаги пуллар» асарларидаги воқеалар эса персонаж нутқи орқали баён қилинган. Агар муаллиф нутқида қўлланган детектив сўзлар сюжетни очишга хизмат қилса, персонаж тилида ишлатилган бундай сўзлар қаҳрамонлар характерини очиб беришга хизмат қилганлиги кузатилади.

